СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 129 (10.434) / 2005 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.**

Таъкидлаш кераки, ШҲТ ташкилот сифатида шаклланиш ва ривожланиш жараёнини қисқа фурсатда босиб ўтди. 2001 йил Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат - Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон раҳбарлари томонидан ШҲТни тузиш тўғрисидаги декларация имзоланиб, унинг икки органи - Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олинган эди. Таъсис ҳужжати - Хартияси (Низоми) эса 2002 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди ва шу тариқа ташкилот халқаро юридик мақомга эга бўлди.

Ўтган йили ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитига Тошкент мезбонлик қилди. Унда кўрилган масалалар орасида ШҲТ фаолиятининг икки асосий йўналиши - хавфсизлик ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларнинг асосий мавзуи бўлди. Саммит арафасида пойтахтимизда ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилди.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона саммитида хавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш, ўзаро ижтимоий-маданий, илмий-техникавий, транспорт коммуникациялари борасидаги алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларга оид масалаларни муҳокама этиш режалаштирилган.

**(ЎзА)**

## ШҲТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

***Остона, 4 июль. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).*** Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Остона шаҳрига келди.

«Ривьера» саройида ШҲТ саммити қатнашчилари - Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Унда мазкур ташкилот доирасидаги ҳамкорлик, ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоллар юзасидан фикр алмашилди.

*Оқ йўл сизга, битирувчилар!*

## ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

**КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ИККИ ЙИРИК САҲНА МАЙДОНИ — «ТУРКИСТОН» САРОЙИНИНГ ЁЗГИ ЭСТРАДАСИ ҲАМДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ МАЖМУАСИДА «ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ — 2005» БИТИРУВЧИЛАР КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА 11-СИНФНИ ТУГАТГАН ЎН БИР МИНГГА ЯҚИН ШАҲРИМИЗ ЎСМИР ЁШЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ. БУ ҚУВОНЧЛИ ДАМЛАРДА УЛАРГА, ҲАР ДОИМГИДЕК, УСТОЗЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР ҲАМРОҲ БЎЛДИ.**





Мактаб даврим... Бу сўзларни қанчалик ғурур ва дабдаба билан, тантанавор тавсифламайлик, инсон ҳаётидаги бу дамларнинг асл қадр-қимматини англаб ета олмагандай туюлаверади.... Ҳар биримиз кичкиналигимизда, ҳали ақл-идрокка эга бўлмаган чоғимизда мактаб остонасини ҳатлаб ўтамиз ва ўн бир йилдан сўнг барчамиз учун қутлуғ ва муқаддас бўлиб қолган бу даргоҳни дастлабки билимлар соҳиби сифатида тарк этамиз.

Бизнинг биринчи ўқитувчиларимиз — чидамли, бардошли, ўз касбига меҳр қўйган ҳақиқий инсонлар. Улар бизни билимлар оламига етаклаб, ўқишни ва ёзишни, мустақил фикр юритишни ўргатадилар. Айнан мактаб даврида бизларда ҳаётий қадриятлар тушунчаси шакллана бошлайди. Шу боисдан-да халқимиз орасида ўқитувчилар, устозлар ота-оналардек улуғланиши бежиз эмас. Ва шу маънода давлатимиз раҳбари ташаббуси билан беш йилдан буён мактаб битирувчилари учун «Истиқлол умидлари» шиори остида байрам тантаналари уюштириб келинаётганининг аҳамияти ва моҳиятини англаб етиш қийин эмас.

Давоми 3 -бетда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Нефть ва газ қазиб чиқариш илмий-текшириш институтида "Маънавият ва маърифат" марказининг Яккасарой туман бўлими ҳамда туман "Оила" маркази ҳамкорликларида ўтказилган давра суҳбати Сиҳат-саломатлик йилига бағишланди.

● **КЕЧА** "БК Интранс" хусусий корхонасида бўлиб ўтган "Сиҳат-саломатлик — бебаҳо бойлик" мавзуидаги давра суҳбати "Маънавият ва маърифат" марказининг Бектемир туман бўлими ҳамда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** "Ватан" ва ""Ватанпарвар" маҳаллаларида "Камолот" ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари ҳамкорликларида бешинчи июндан ташкил этилган "Тилларни ўрганамиз" дарслари якунланди.

● **КЕЧА** "Қорёғди" маҳалласида "Камолот" ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан кўчма оммавий спорт мусобақалари ташкил этилди.

● **УЧТЕПА** туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан маҳалла ёшлари ўртасида кўчма оммавий спорт ўйинлари ўтказилди.

● **КЕЧАДАН** шаҳримиздаги 238-мактаб қошида ҳарбий спорт оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.

● **ЎТГАН** куни Бўстонлиқ туманидаги "Зафар" оромгоҳида ташкил этилган "Нима, қачон, қаерда?" интеллектуал ўйини "Камолот" ЁИҲ Миробод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **АБРОР** Ҳидоятов маҳалласида шахмат, шашка, футбол, баскетбол, стол тенниси бўйича маҳалла ёшлари иштирокида мусобақалар ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Жиззах вилоят «Маънавият ва маърифат" марказида ёш ўқитувчилар ва вилоят олий ўқув юртлари магистрлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг янги даволаш-соғломлаштириш мажмуи ишга тушди.**

● **Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда тарихчи ва археолог олимлар, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.**

● **Ғалла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарган вилоятлар сафига навоийлик миришкорлар ҳам қўшилди. Вилоят деҳқонлари 40 минг 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 45 центнердан ҳосил олиб, давлат омборларига 76 минг 600 тоннадан ортиқ дон тўкди.**

● **Тошкентда ёшлар ўртасида пневматик қуроллардан отиш бўйича мамлакат биринчилиги якунланди.**

### Жаҳонда

● **Россия Федерациясида Калининград шаҳрининг 750 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу тантаналарда Франция Президенти Жак Ширак, Германия канцлери Герхард Шрёдер ҳам иштирок этди.**

● **Термоядро синтезига асосланган жаҳондаги дастлабки тажрибавий реакторни лойиҳалашда иштирок этган бир гуруҳ мамлакатлар мазкур иншоот Франциянинг Кадараш шаҳрида бунёд этилишига қарор қилдилар.**

● **Японияда жаҳонда энг тез ҳаракатланувчи —соатига 405 километр тезликда юра оладиган поезднинг синови бўлиб ўтди. Янги поезд Япония шаҳарлари ўртасида қатновчи тезюрар поездлар тизими — Синкансеннинг ривожланишида навбатдаги босқич бўлади.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ҲАҚИДА КИТОБ

**Мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил бораётганининг яна бир далили бўлди.**




Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат таркибда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад, аввало, парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратишдир.

Бунда, жумладан, парламент фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш каби омиллар қонун ижодкорлиги борасидаги ишларнинг сифатини кескин оширишга хизмат қилади. Олий Мажлис юқори палатаси — Сенатнинг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатларидан сайланиши замирида ҳам айнан шу мақсад мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, академик Мурод Шарифхўжаевнинг яқинда нашрдан чиққан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати» номли китобида мазкур палатанинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти ҳақида батафсил фикр юритилади.

Ушбу китобда мамлакатимизда икки палатали профессионал парламент тизимига ўтиш ғояси ташаббускори Президент Ислом Каримовнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти, янги парламентни шакллантириш амалиёти, унинг конституциявий-ҳуқуқий негизлари, назарий асослари ҳамда Сенатни шакллантириш билан боғлиқ масалалар илмий-таҳлилий жиҳатдан атрофлича талқин этилган.

Китобда дунё парламентаризми ва Сенат институтининг пайдо бўлиш тарихи, Ўзбекистон Сенатининг ташкилий тизими ва таркиби, мақоми, ваколатлари, жорий фаолияти ҳамда истиқболдаги иш режалари тўғрисида батафсил маълумот берилган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган ушбу китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

**ЎзА**

*ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ*

## ТАДБИРКОР ЭРКИНЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

**Маълумки, Истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ Юртбошимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойили белгилаб олинган эди. Ўтган йиллар мобайнида иқтисодий ўсишни янада такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий, моддий негизини вужудга келтириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди, кўплаб қонуний ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу маънода биргина кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилга бориб тахминан 45 фоизни ташкил этишининг кўзда тутилиши бу борада олиб борилаётган ишлар салмоғидан далолат беради.**

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда изчил суръатларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Собир Раҳимов туман ҳокимлигида ҳам давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонлари ҳамда Қарорининг ижросини таъминлаш, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммолар ечимига бағишланган семинар кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманда солиқ идораси раҳбарлари, туман ҳокимлари, тегишли вазирликлар мутасаддилари, савдо-саноат палатаси етакчилари, хусусий тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни очар экан, Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов Юртбошимизнинг мазкур Фармонлари ва Қарори тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий ва молиявий жавобгарлик масаласини тартибга солиш, кичик фирма ҳамда шу типдаги корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида ҳуқуқий асосни яратиб берганлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик ишларини текшириш, керак бўлганда тафтиш этиш фақатгина давлат солиқ хизмати идоралари томонидан амалга оширилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хорижий инвесторларни жалб этиш, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш борасида, Собир Раҳимов тумани пойтахтимиздаги бошқа туманларга нисбатан салмоқли ўринни эгаллайди. Жумладан, шу йил 1 июнь ҳолатига кўра, туманда 2885 та хўжалик юритувчи корхоналар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улардан 2099 таси фаолият юритмоқда. Бундан ташқари 2510 та кичик ва хусусий бизнес субъектлари рўйхатга олиниб, 1735 таси иш юритмоқда. Туман миқёсида хорижий инвесторлар иштирокида 160 та қўшма корхона рўйхатга олинган бўлиб, 112 таси фаолиятини тўлиқ йўлга қўйган. 2005 йилнинг январь-май ойларидан Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган учта қўшма корхона фаолият олиб бормоқда. Мана шу қўшма корхоналар ҳисобига 2500 та қўшимча иш ўринлари ташкил этилади. Йил охиригача қўшимча 3000 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Туман бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 65 фоизни ташкил этади.

Энди бевосита тадбир тафсилотлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг баҳс-мунозара, мулоҳазаларни ўзаро ўртоқлашиш руҳида ўтганлигини таъкидлаш лозим. Анжуманда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунни бузиш, четлаб ўтиш ҳоллари учраган тақдирда қандай чоралар кўрилиши кўпчиликнинг эътиборини тортди. Эндиликда, уларнинг фаолиятини текшириш мобайнида солиқ ва валютага оид жиноятлар аён бўлса жиноий жавобгарлик масаласи Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан ҳал этилади. Шу маънода Собир Раҳимов туманида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда давлатимиз раҳбарининг қабул қилган мазкур учта Фармони ва Қарори мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари эркинлигини кафолатлаш, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, инфра тузилмани янада мустаҳкамлаш йўлидаги табиий жараён эканлиги шубҳасиздир.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**



*Таълим*

## МАГИСТРАНТЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Мамлакатимизда айни кунларда барча олий ўқув юртларида талабаларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтмоқда.**

Жумладан Тошкент Давлат юридик институтини бу йил магистратура босқичини 10 та ихтисослик бўйича 182 нафар ҳуқуқ магистри тамомлади. Куни кеча институтда ушбу битирувчи магистрларга дипломларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи белгилаб берган асосий вазифалардан бири таълим сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборат. Буни амалга ошириш учун таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базаси мустаҳкамланмоқда, таълим тизимларида илғор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилган, ўқув -тарбия жараёнлари янги дарсликлар, адабиётлар билан таъминланган. Мазкур институтда ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунда белгиланган вазифаларни амалда татбиқ этиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда, шунингдек талабаларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишларига катта эътибор қаратилган.

— Бу йил институт битирувчилари орасида иқтидорли, ҳар томонлама етук, қобилиятли ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Биз бундай келажаги порлоқ талабаларимиз билан фахрланамиз,— дейди институт магистратура марказининг декани Самад Ҳамроев.— 182 нафар магистрларимиз орасида 2 нафари Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендиати, 9 нафари Навоий номидаги Давлат стипендиати, 1 та Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори мавжуд. Ҳозирги кунда магистрантларнинг 11 нафари аспирантурада ўқишни давом эттириш истагида. Қолганлари эса корхона ва ташкилотлар шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда, Олий суд, хўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимларида, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларида ўз фаолиятларини давом эттирадилар. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Р.Ҳакимов, А.Ҳошимхонов, Н.Мейлиева, М.Ҳусанова сингари магистрларимиз, шунингдек, Будапештда, Болгария, Япония сингари хориж давлатларидаги нуфузли университетларда таҳсил олиб қайтган А.Бозоров, Х.Холиқова, В.Ўринов каби магистрларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Албатта юрт таянчи ва келажаги бўлган ёшларимиз институтда олган бор билим ва тажрибаларини эндиликда Мустақил Ўзбекистонимизнинг фаровонлиги, равнақи ва тараққиёти йўлида сарфлайдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: Тошкент Давлат юридик институтининг магистрантлари.**

**Наталья Семёнова олган сурат.**

## Компьютер ўйинлари билимдонлари аниқланди

**Тошкентда компьютер ўйинлари бўйича Миллий финал босқичи ўтказилишига бағишланган World Cyber Games 2005 Uzbekistan Preliminary саралаш турнирининг учинчи Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақа Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси, «Samsung Elektronics» компанияси ва «InfoCOM.UZ» журнали томонидан ташкил этилди.**

Чемпионатнинг очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов замонавий ахборот технологиялари жамиятимиз, айниқса ёш авлод учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу борада мамлакатимизда Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони изчиллик билан амалга оширилмоқда.

World Cyber Games 2005 Uzbekistan Preliminary турнири компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистоннинг расмий чемпионати ва жаҳон чемпионатининг саралаш турнири ҳисобланади.

Чемпионатнинг ҳудудий саралаш турнирлари ўтган йилдаги каби республикамизнинг бешта шаҳри — Бухоро, Самарқанд, Наманган, Фарғона ва Тошкентда ўтказилди. Саралаш турнирининг пойтахтимиз ва ҳудудларда ўтказилган кескин ҳамда муросасиз беллашувларида барча иштирокчилар бир-бирларига муносиб рақиб эканликларини намойиш этди. Чемпионатнинг ташкилий қўмитасидан олинган маълумотга кўра, бу йил саралаш турнирларида Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан уч мингдан ортиқ геймер қатнашди.

Ҳудудий саралаш турнирлари якунларига кўра тўртта ўйин бўйича 64 нафар финал иштирокчиси (жумладан ҳар бирида беш ўйинчидан иборат 8 жамоа) аниқланди. Бунда финал қатнашчиларига бериладиган квоталарнинг 50 фоизи Тошкентда ўтказиладиган турнир учун ажратилди. Чунки ўйинчиларнинг ярмидан кўпи айнан пойтахтимизда ўтказилган беллашувда куч синашди.

Need for Speed: Underground ўйини бўйича Дониёр Шомузаффаров ғолиб деб топилди. StarCraft (r): Brood War (tm) ўйини бўйича Вячеслав Югай, WarCraft (r) III: Frozen Throne 3 ўйини бўйича Георгий Горбенко ғалаба қозонди.

Half-life (tm): Counter-Strike 1.6 ўйини бўйича эса Сергей Припусков, Андрей Ли, Владимир Содиқов, Александр Юдович ва Артур Аксановдан иборат жамоа ғолиб чиқди.

Ғолиблар компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олтин медаллари ҳамда ноябрда Сингапурда ўтказиладиган WCG 2005 жаҳон гранд-финалида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмаларга сазовор бўлди.

**Жамшид РАУПОВ, ЎзА мухбири**






# ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

Давоми. Боши 1-бетда.

«Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Биз ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон», «Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам» — байрамнинг асосий ғоясига айланган бу сўзлар унинг ҳар бир иштирокчиси тили ва дилида янгради ва албатта бундай манзара тадбирга алоҳида руҳ бахшида этиб, инсоннинг ўз Ватани, халқи, она юртига, оиласи ва устозларига бўлган садоқати намойиши бўлди десак муболаға бўлмайди. Бу борада айниқса ёшларнинг чеҳрасида ватанпарварлик кайфияти яққол сезилиб турганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш зарур. Шубҳасиз, бу бугунги кунда фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун қилинаётган барча саъй-ҳаракатларга жавобан миннатдорчилик белгисидир.

Ўз навбатида, ташкилотчилар — Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзтелерадиокомпания ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан театрлаштирилган байрам дастури ёшлар ёдида унутилмас кун сифатида узоқ сақланиб қолиши учун уни сермазмун ва қизиқарли ташкил этишга ҳаракат қилганларини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, бу сафар битирувчилар кечаси дастурига кўплаб ноанъанавий йўналишдаги чиқишлар киритилди.

Тадбир тантанали равишда Ўзбекистон мадҳияси билан очилди. Мамлакатимиз мадҳиясини битирувчиларнинг ўзлари, аниқроғи 890 нафар аълочи ўқувчилар ижро этишди. Ёш авлодга ўз тилак ва истакларини Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов билдиришди. Ўзбек эстрадасининг таниқли хонанда ва созандалари, ҳаваскор ижодий гуруҳлар ҳам битирувчиларни ўзларининг тинчлик, Ватан, муҳаббат ҳақидаги куй-қўшиқлари билан хушнуд этди. Халқимизнинг асл фарзандлари, Ватан ҳимоячилари бўлмиш ҳарбий хизматчилар ва билим юрти курсантларини ёшларимиз қувонч билан қарши олдилар. Ёш бўлишига қарамасдан, она юрт олдидаги бурч, садоқат тушунчаларини англаб етган, республика ва халқаро тоифадаги спортчиларимиз — 8 — 12 ёшли каратэ усталари ҳам узоқ олқишлар остида кутиб олинди.

Ранг-баранг байрам саҳналари бирин-кетин чиқишларда давом этди. Шубҳасиз, улар орасида ўқитувчи ва ота-оналарнинг ўз шогирди ва фарзандларига тилакларини катта саҳнада, миллий куй оҳанглари остида рақсга тушиб ифода этишга ҳаракат қилганлари кўпчиликни уларга жўр бўлишга ундади. Ўғил-қизларимиз эса бунга жавобан уларни гулларга кўмиб ташлади. Ҳа, бу дақиқалар нечоғлик ҳаяжонли бўлганини фақат шу тантаналарда бевосита иштирок этган ва унинг ҳар бир лаҳзасини яқиндан кузатгангина ҳис этиши мумкин эди...

Дастлабки маълумотларга қараганда, бу йили битирувчи ёшларнинг 50 фоиздан зиёди асосий фанлардан ташқари, хорижий тилларни ҳам пухта ўзлаштирган. Алиёр Каримов инглиз тилига болаликдан қизиққан, тил бўйича асосий билимни эса пойтахтимиздаги 9-мактабда олган. Бугунги кунда у инглиз тилида бемалол сўзлаша олади, айни пайтда эса Тошкент Халқаро Вестминстер университетига кириш мақсадида инглиз тилидаги ўқув қўлланмалари асосида тайёргарлик кўрмоқда.

— Оилада учинчи, кичик фарзандман. Катта акам юридик институтни тамомлаган, ўртанчаси ирригация олий ўқув юртида таҳсил олади. Мен эса халқаро иқтисодчи бўлмоқчиман, шунинг учун Вестминстер университетини танладим, — дейди Алиёр. — Имтиҳонлар осон эмас, лекин ўзимда ишончни сезиб турибман... Бугунги кунда кўп давлатларнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодиёти илмий изланишларга муҳтож. Шу ният билан келажакда иқтисодий тадқиқотлар йўлида илмий иш билан шуғулланиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Муҳаббат Абдуллахўжаева ҳуқуқ соҳасига ихлос қўйган ва бу борада таълимни Москва тадбиркорлик ва ҳуқуқ академиясининг Тошкент бўлинмасида олмоқчи. Қарангки, мамлакатимизда шундай олий ўқув юрти мавжудлигини биз суҳбатдошимиздан билиб олдик.

— Ҳозирда мен ушбу академия қошидаги махсус курсларда таҳсил олиб, асосий имтиҳон — Россия тарихи бўйича билимларимни чуқурлаштирмоқдаман, — дейди Муҳаббат. — Биз, ёшлар учун мамлакатимизда ўқиш ва ишлаш борасида барча шарт-шароитлар яратилган, талай имкониятлар мавжуд. Афсуски, айрим тенгдошларим ўзларининг омадсизликларини ҳаётимиздаги умумий қийинчиликлар билан боғлашга ўрганиб қолган. Бироқ айтингчи, қийинчиликлар қаерда йўқ? Тан олишимиз керакки, агарда етарли даражада билимимиз бўлмаса, ҳеч ким шунчаки институтга қабул қилмайди. Биз дастлабки омадсизлигимиз олдида чекинмасдан, балки уларни енгиб ўтишга ҳаракат қилишимиз, шунингдек аксарият ҳолларда йўлимизда тўғаноқ бўлаётган ўз дангасалигимиздан холис бўлишимиз лозим. Тўғри, ҳаммага ҳам бирдек омад кулиб боқмаслиги мумкин, лекин ҳаракатни ҳеч ҳам сўндирмаслик лозим. Олдинга интилганга эса ҳаётнинг ўзи мадад бўлади...

Суҳбатдошларимизнинг кўпчилиги ўз келажагини журналистика билан боғлаш истагида бўлаётгани бизни, албатта, қувонтирди. Улар орасида 235-мактаб битирувчиси Ёқутхон Сулаймонова ҳам бор. Синфдошлари ва ўқитувчиларининг фикрига қараганда, Ёқутхон аълочи, кўп нарсаларга қизиқувчан қиз ва ўзини бошқа соҳаларда ҳам намоён эта олади, қолаверса, бу борада унинг қобилияти чексиз экан.

— Лекин мен журналист бўлмоқчиман ва шуни ишонч билан айтишим мумкинки, бу касбни танлаётган ҳар бир киши ҳар томонлама билимга эга бўлиши ва ўз фаолияти давомида фақат бир йўналишда қотиб қолмаслиги керак, — дейди катталарга ўхшаш фикр юритиб Ёқутхон. — Нима учун мен журналистикани танладим? Қайсидир маънода ҳаёт йўлимни танлашда менга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёрдам берди. Ушбу ҳаракатнинг дастлаб аъзоси, кейинчалик мактабда ва туман миқёсида етакчиси бўлиб, ҳаёт нечоғлик кўп қиррали эканлигини англашга ҳаракат қилдим ва бу борада ўзим учун кўп нарсани кашф этдим. Энг муҳими, жамоат ишларим ўзимга, ўз кучимга бўлган ишончни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Тенгдошларим билан ҳар доим мактабдан бўш вақтимни самарали, фойдали ўтказишга ҳаракат қилганмиз. Ўйлайманки, бу ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Синфдошларимнинг кўпчилиги, «Камолот» ҳаракати бўйича тенгқурларим ҳам олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш истагида. Уларга орзу-ниятлари рўёбга чиқишида, келажаги буюк давлатимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишларида омад тилайман...

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда ёшларимизнинг ўз келажагига бўлган муносабати анча ўзгарган. Сир эмас, ўз вақтида уларнинг аксарияти банк, солиқ, божхона тизимида фаолият юритишни мақсад қилар эди. Тўғри, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини бу соҳаларсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин ҳозирда ўсмир ёшларимизнинг юқори технологиялар, табиий фанларга бўлган қизиқишлари ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Эгизак опа-сингиллар Лена ва Оля Сидоровалар (260-мактаб) ота-онаси танлаган йўлдан бориш ниятида. Лена Ўзбекистон Миллий университетининг компьютер технологиялари факультетига кириб ўқимоқчи, Оля эса онасининг касби — геофизик бўлиб, кейинчалик бу соҳада илм билан шуғулланиш хоҳиши бор. Влад эса (94-мактаб) Прокузинлар сулоласининг тўртинчи авлоди давомчиси сифатида адлия соҳасида фаолият юритишни қарор қилган.



—Ўн бир йил давомида бизнинг шўхликларимизга, баъзи пайтларда ўқишга бўлган бефарқлигимизга чидам билан, бардош бериб келган ўқитувчиларимга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Ишонаманки, уларнинг ўгитлари эртанги ҳаётимизда ас қотади, — дейди Влад. — Мактабда олган билимларим мукаммал, лекин бахт қушига ишонаман. Агарда бахт кулиб боқса, демак менга Тошкент Давлат юридик институтида ўқиш насиб этади... 40 нафар синфдошларим ҳам олий ўқув юртларига киришни режалаштирган, уларга омад тилайман.

Азизжон Қўчқоров (302-мактаб) ким бўлишни шу дамда, байрам давомида белгилаб олганини ҳаяжон билан айтди.

— Биз, битирувчилар учун уюштирилган бу ҳақиқий байрам кечасида, тенгқурларим билан хурсандчилик қилиб, кўтаринки кайфият улашилаётган бир пайтда мени тўсатдан ўзимга нисбатан қандайдир салбий туйғу чулғаб олди. Бугун мен мустақил ҳаётга илк қадам қўяяпман, аммо бунинг эвазига ўқитувчиларимга нима бера олдим? Афсуски, бу ҳақда вақтида ўйламаган эканман. Шу боис бугун, шу дамда ўз олдимга Педагогика университетига ўқишга кириб, устозларим олдидаги бурчни адо этишга, уларга муносиб шогирд бўлишга аҳд қилдим...

— Бундай ҳолат ёшларимизда тез-тез учраб туради. Ўтиш даврида ўсмир ўғил-қизларимиз ҳис-ҳаяжонга тўлиб-тошган бўлади ва бу табиийдир, — деди гўё Азизжонни қўллаб-қувватлаб, унинг ҳолатига изоҳ бергандай 260-мактаб директори Галина Ким. — Қолаверса, бундай дақиқаларда биз, катталар ҳам, чуқур ҳаяжондан истисно эмасмиз.. Зеро, тарбия берган фарзандларимизнинг эртанги кунига бефарқ бўла олмаймиз ва бу борада том маънода биз, ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклатилган... Бу йилги битирувчиларимизнинг 70 фоиздан зиёди олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш истагида бўлаётгани мен учун қувонарли ва бунда бизнинг жамоамиз ҳамда бизга доимо кўмакдош бўлиб келаётган ота-оналарнинг хизмати катта, албатта. Мактабимиз Германия ва Жанубий Кореянинг таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатган ва бугунги кунда шерикларимиз билан тажриба алмашиб келамиз, ўқувчи ва педагоглар билан алмашиб турамиз. Дарвоқе, бизда инглиз ва корейс тиллари чуқур ўргатилади. Мактабнинг моддий-техник негизини юксалтириш мақсадида ўз кучимиз билан маблағ топишга ҳам ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, бир нечта турдаги пуллик хизматлар кўрсатамиз, гул кўчатлари, сабзавотлар етиштириш томорқаси ҳам бор. Буларнинг бари бизни ҳам, ўқувчиларимизни ҳам самарали ишлашга ва ўқишга, хайрли ишларга ундамоқда. Ишончим комилки, битирувчи ёшларимиз, улар келажакда ким бўлишидан қатъи назар, жамиятимизда ўз ўрнини топа олади...

Пойтахтимиздаги 94-мактабнинг 114 нафар битирувчиси ҳам олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик кўрмоқда, улардан 20 нафарига эса етуклик шаҳодатномалари анча илгарироқ топширилди, сабаби — улар айни пайтда абитуриент сифатида Россия, АҚШнинг нуфузли олий ўқув юртларида имтиҳон синовларидан ўтаётир.

— Мактабимиз математика, физика, инглиз тилига ихтисослашган, — деди биз билан суҳбатда мактаб директори Оксана Пономарева. — Келажакда тажриба майдончаларини очишни режалаштирмоқдамиз. Бундан мақсад — бошланғич синфларданоқ болаларнинг қобилиятини ўрганиб, кейинчалик уларни махсус гуманитар ёки табиий фанларга йўналтиришдир. Фурсатдан фойдаланиб, таъмирлаш ишларида бизга бевосита ёрдам бериб келаётган шаҳар ҳокимлигига, барча ҳомийларимизга миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Дарвоқе, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ 2009 йилда мактабимизда тубдан таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Шубҳасиз, бундай саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини беради, ўқувчиларимизнинг таълим олиш даражаси сифатини оширишда ҳам катта кўмак бўлади.

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуманноп Собировнинг таъкидлашича, давлатимиз томонидан мактаб таълимини такомиллаштириш масалаларига қаратилаётган эътибор, тегишли давлат дастурининг татбиқ этилиши, ҳақиқатан ҳам, амалиётда ўзининг дастлабки меваларини бермоқда.

— Ўтган йил якунлари бўйича мактаб битирувчиларининг 47 фоизи олий ўқув юртларига кирган бўлса, бу сафар мустақил ҳаётга илк қадам қўяётган ўғил-қизларимизнинг 70 фоиздан зиёди турли университет ва институтларда таҳсил олиш истагини билдирмоқда, — дейди Абдуманноп Собиров. — Бевосита таъмирлаш-қурилиш ишларини оладиган бўлсак, янги ўқув йилига 35 та шаҳар мактаблари янги замонавий кўринишга эга бўлади. Уларни капитал таъмирлаш ишларига бюджет ҳисобидан 4 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди, объектлардаги ишларни якунига етказиш, шу жумладан уларни жиҳозлашга бюджетдан қўшимча яна 2 миллиард сўм ажратилмоқда. Келгуси йилда эса пойтахтимизда битта янги мактаб қурилиши, шунингдек яна 35 та мактабни тубдан таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Бу катта ҳажмдаги ишлар ўз навбатида катта маблағни талаб этади. Бундай саъй-ҳаракатларни эса давлатимиз томонидан ўсиб келаётган авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бир дебочаси дейиш мумкин.

...Байрам поёнига етиб борарди. Унинг якуний дақиқаларида сўнгги қўнғироқ чалинди. Унинг жарангдор товуши, шубҳасиз, шаҳримиз бўйлаб узоқ-узоқларга тарқалгандай бўлди. Сўнгги қўнғироқ бу битирувчилар учун шунчаки бир белги эмас, балки авваламбор тинчлик, бирдамлик, барқарорлик ва ёрқин келажакка интилиш рамзи ҳамдир. У мустақил ҳаётга илк бора қадам қўяётган ўсмир ёшларни, шунингдек, биз, катталар учун ҳам чуқур маънони англатади. Зеро, мактаб остонасини бир пайтлар ҳар биримиз босиб ўтганмиз ва айнан шу муқаддас даргоҳда катта билим орттириб, мустақил ҳаётга йўлланма олганмиз. Бундай ҳаяжонли дамларни ҳеч унутиб бўлмас...

«Истиқлол умидлари — 2005» тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Худойбергенов, Х. Султонов, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Р. Қосимов ва Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**

**СУРАТЛАРДА: «Истиқлол умидлари — 2005» тантаналаридан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Йиллар садоси*

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ ҲИКОЯ

Донишманддан сўрашибди:

—Сиз кўпни кўрган ҳазрати инсонсиз, айтингчи, дунёда инсон учун энг улуғ фазилат нима?

— Олижаноблик, камтарлик.

— Инсон оламдан ўтгандан кейин ундан қоладиган энг катта бойликчи?

— Яхши ном, — деб жавоб берган экан донишманд. Шунинг учун бўлса керак файласуф шоир Мақсуд Шайхзода:

**Дўстлар, яхшиларни**
**авайлаб асранг,**
**Салом деган сўзнинг**
**салмоғин оқланг.**
**Ўлганда минг соат**
**йиғлаб тургандан**
**Уни тиригида бир**
**соат йўқланг.**

десалар, аллома шоир Ғафур Ғуломда эса бу тилак ва истак бошқача жаранглайди.

**Азиз асримизнинг**
**азиз онлари,**
**Азиз одамлардан**
**сўрайди қадрин.**
**Фурсат ғаниматдир**
**шоҳ сатрлар-ла,**
**Безамоқ чоғидир**
**умр дафтарин.**

Аслида ҳам ҳар иккала шоир ҳақ. Бири яхшиликни, инсоний фазилатни тараннум этса, иккинчиси вақт борида ҳаёт дафтарини умрбоқий сатрлар билан безаб инсонни ўзидан яхши ном қолдиришга даъват этади. Зеро, «Оқшом»нинг ўтган кунларида ҳам ўзидан яхши ном қолдириб кетган ҳамкасбларимиз жуда кўп. Биз уларнинг азизу мукаррам номларини ҳамиша ҳурмат ва эъзоз билан тилга оламиз. Саъдулла Кароматовдан то Максим Каримовгача, Михаил Савельевдан то Дмитрий Тепловгача, эҳхе бу оралиқда қанча-қанча сафдошларимиз оламдан ўтиб кетишди. Ўз касбининг фидойилари, оиласи жонкуярлари бўлган бу инсонлар давраларнинг гули, файзи эди. Улар билан бирга қанчадан қанча яхши кунларни, тўю-тантаналарни ўтказдик. Ўтиришларимиз, йиғилишларимиз ниҳоятда мароқли, кўнгилли, хушчақчақлик ва ҳазил-мутойибаларга бой ўтарди. Тўлқин Расулевнинг тағзаминли ҳангомаси, Ҳамид Икромовнинг бироз нўноқроқ бўлса-да ҳозиржавоб қайтариғи, Маматурсун Отахоновнинг ўқдек баланд овозда хахолаб кулиши, Эсон Қосимовнинг бир иш қилиб онасидан танбеҳ эшитган боладек беозоргина индамай жилмайиб ўтириши, Абдулла Нуримовнинг гап нишни ўзига бурилишидан қочиб: «Кўйинглар-ей, ундан кўра қуйинглар, оз-оздан ичайлик» деб туриши, ниҳоятда табиий, ҳар бирининг ўз характерига мос ва хос эди.

Ўшанда айниқса Малик ака Нуриддиновнинг уйланиш тўйи эсдан чиқмас воқеа бўлган эди. Малик ака бироз кечикиброқ оила қурганди. Маъмуриятнинг тавсияси билан биз — Ўткир Ҳошимов, Раҳматулла Файзуллаев, камина тўйга бош-қош бўлганмиз. Висол оқшомининг ўшанда эндигина очилган «Зарафшон» ресторанининг кичик залида ўтиши белгиланганди.

Кечки пайт никоҳ оши учун 15 чоғли куёвнавкарлар тўртта «Жигули»га ўтириб келинникига отландик. Табиийки куёв — Малик Нуриддинов, биз — Ўткир ака, Раҳматилла ака ва мен ўтирган машинада.

Келинникига етгунча биримиз олиб, биримиз қўйиб, кулишиб бордик. Ўзимиз Малик акадан анча ёш бўлсакда оилали бўлганимиз учун «куёв йигит»га билганимизча бирни ўнга қўшиб-чатиб «гўшанга сирлари»ни ўргатиб борамиз. Хуллас, машиналар карвони келиннинг маҳалласига етиб келди. Ўзимиз билан овора бўлиб бундай қарасак куёв тўра йўқ. Кутдик, кутдик, келмади. Шунда кимдир «юраверинглар, хотин керак бўлса орқамиздан югургилаб етиб келар» деб қолди.

Келиннинг эшиги тагига яқинлашгач бундай қарасак Малик ака қайнота бўлмишнинг ёнида туриб келган-кетганга «Келинг, келинг», деб таъзим бажо этиб турибди. Бир куламиз, бир куламиз.

Қуюқ-суюқ, иззат-икромдан сўнг «Зарафшон» тўйхонасига қайтдик. Бир ажойиб тўй бўлдики, ҳали-ҳали биз оқшомчилар ўша тўйни эслаб таърифлаб юрамиз.

Яхшилик устига яхшилик. Буни қарангки, ўша йилнинг унутилмас воқеаларидан яна бири газетамизнинг 3000-сонининг чиқиши бўлди. Бу қувончли воқеа 1988 йилнинг 30 декабрь, яъни «Оқшом»нинг янги йил сонига тўғри келганлиги яна ҳам кўнглимизни кўтариб юборди. Ўшанда «Тошкент оқшоми» таҳририяти муштарийларга қарата шундай тилакларни билдирган эди. «Яхши ният — ёрти мол», дейдилар. Яхши ниятли кишилар қалбини гулга, сўзини асалу болга қиёс қиладилар. Янги йил оқшомида одамлар бир-бирларини чин юракдан муборакбод этиб, шу қутлуғ кунларга етишганларини шодлик билан изҳор этадилар. Янги йил бошланиши арафасида ҳар бир киши ўтаётган йилда нималар қилди, ҳаёти қандай кечди, одамларга, эл-юртга қандай нафи тегди, ёки нималарга улгуролмай қолди, ана шулар ҳақида ўйлаши табиий ҳол. Ақл-заковатли киши ўзига ҳисоб бериши, худди узоқ манзилга бораётган йўловчи бир тўхтаб босиб ўтган масофасига чуқур разм ташлаганидек, сарҳисоб қилади.

Янги йил оқшомида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг сўнгги сонини қўлга олар экансиз, 1988 йилда чиққан газетанинг 3000-сонисиз билан дилкашлашганимиз, дардлашиб, газета саҳифалари орқали суҳбатлашганимизни ҳам эслаб қўясиз, албатта. Янгилик — ҳар бир кишининг дилига ором, интилишига илҳом бахш этади. «Оқшом» газетасининг деярли ҳар бир саҳифасида Тошкент янгиликлари, дунё хабарлари, қўли гул, меҳнати зийнат кишиларнинг ҳаётлари, фан ва техника ихтиролари, санъат ва адабиёт намояндаларининг мақолалари, дўстлик ва қардошликнинг истиқболлари, маориф, маданият, одоб ва ахлоқ масалалари ҳақида ва бошқа кўплаб мавзуларда кичик-кичик мақолалар ёритилди.

Янги йилда газетамиз ижтимоий-сиёсий масалаларни, хотин-қизлар иш шароитларини, мактаб ислоҳотини, ахлоқ-одоб масалаларини, тарих, адабий мерос, миллатлар дўстлиги ва анъаналарини, инсонпарварлик ва байналмилал дўстликни, она табиатни муҳофаза қилиш ва Тошкент шаҳрига оид муаммоларни кенг, атрофлича ёритиб боради. Мана шундай долзарб масалаларни газета саҳифаларига олиб чиқишда сиз азиз «оқшом»хонларнинг хат-хабарларингиз, истак ва мулоҳазаларингиз бизга яқиндан ёрдам беради».

«Оқшом»нинг сарғайган саҳифаларини варақлаган киши ўша йиллари айниқса, Темур Убайдулло, Ислом Усмонов, Саъдулла Шодиев, Адҳам Даминов, Равшан Бобомуҳамедов, Дилмурод Облаев сингари ҳамкасбларимизнинг фаоллигини ҳис этиши мумкин. Улар газетанинг деярли ҳар бир сонида ўзларининг турли мавзудаги мақолалари билан қатнашиб келишган.

Таҳририятимизга хатлар кўп келарди. Улардан эътиборлиси чоп этиларди. Айниқса 13 ёшли Лолахон исмли қиздан келган хат биз таҳририят аъзоларини ҳайратга солди. Барчамиз бир овоздан ушбу мактубнинг тўлалигича газета саҳифасида ёритилишига розилик билдирдик. Ўша хат «Ўгай она» сарлавҳаси остида «Оқшом»нинг 13 октябрь сонида газетхонларга тақдим этилди. Унда бемеҳр, ўгай онанинг зулмидан озор чеккан уч опа-сингил жажжи қизалоқлар ва бир болакайнинг оғир аҳволи, нолайи фиғони баён қилинган эди. Таҳририят бу мақола юзасидан муштарийлардан жуда кўплаб хатлар олди. Уларнинг ҳаммаси куюнчаклик билан ёзилиб, қизалоқларга бардош тиланар, аёллик латофати ва эзгуликдан йироқ бўлган ўгай она лаънатланарди.

Мана, нималар деб ёзганди ўшанда «оқшом»хон Гавҳар Абдураҳмонова:

— Мен бу оилани жуда яхши танийман. Ўша уч қиз ва бир ўғилдан иккитаси болаларимнинг синфдоши. Уларнинг тақдири ҳақида қизим гапириб берганди. Дугонаси бизникига тез-тез келиб турарди. Уни ўз қизимдек яхши кўрардим. Мактабга жуда хомуш келар экан. Бир куни жисмоний тарбия дарсида ечинаётганида қизим унинг бадани кўкариб кетганини кўриб қолибди, ўртоқлари сўрашса, яширибди. Охири, жонидан ўтгач, ўқитувчиларга айтибди. Мен ота-оналар қўмитасининг аъзоси эдим. Онани мактабга чақиртирдик, лекин келмади. Директоргача уйига борди. Маҳаллада суд қилишди, кечирим сўрагандек бўлдию... Бир нарсага ҳайрон қоламан. Наҳотки отаси уйдаги гаплардан бехабар бўлса? Иккинчи қизи уч кун уйдан қочиб кетиб, кўчаларда тунаб юрганда юраги эзилмадимикан?

—Қизим Лола, хатингни ўқиб айнан ўйнаб-кулиб юрадиган даврингда изтироб чекаётганинг қалбимизни тўлқинлантириб юборди, — деб ёзган эди Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Ҳаким Мавлонов. Сенинг қисматинг бундан эллик бир йил аввал менинг ҳам бошимга тушган эди. Ҳамма қийинчиликлар ўтиб кетди, ҳозир олти фарзанднинг отаси, ўн уч неваранинг бобосиман. Лола, фаровон ҳаётда яшаётганингдан, хатингга лаббай деб жавоб берган яхши кишилар борлигидан фахрланиб, саломатлигингни эҳтиёт қилиб, ўқишга, меҳнатга, укангга бўлган меҳрингни шундай давом эттирсанг ҳамма қийинчиликлар ўтиб кетади. Отанг ҳурматда, онангга ҳам хушмуомалада бўлганинг маъқул. Бахтли кунларинг олдинда.

Оқшомхонлардан Назира Расулова, Зулхумор Исломова, Рустам Шералиевнинг Лолага берган жавоб хатларини ҳам ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмасди.

1988 йилнинг яна бир тилга тушган мақоларидан бири — бу Тўлқин Муҳиддиннинг «Онанинг сўнгги тилаги» деб номланган одоб-ахлоқ мавзуидаги мақоласидир. Унинг мазмуни шундай: тақдир ўйинини қаранғки, беозор оилага фожеа олиб келган отанинг ўғли йиллар ўтиб, ўша ўз отасидан озор чеккан оилада ўсиб-улғайган қизни севиб қолади. Отасидан бутунлай фарқли ўлароқ одоб-ахлоққа эга бўлган бу йигитга қизнинг ҳам меҳри бўлакча эди. Лекин унинг қалбидаги бу оилага нисбатан жўш урган ранж-алам унинг кўнглидагини йигитга айтишга йўл қўймасди. Икки оросатда қолган қиз: «Мен қандай йўл тутишим керак, айтинглар азизлар» деган мазмунда «Оқшом»хонларга мактуб билан мурожаат этади. Ушбу мақола ҳам оқшомхонлар диққатини ўзига тортди. Унга жавобан таҳририят ҳамшаҳарларимиздан юзлаб мактублар олди. Уларнинг бир қисми газетамизда «Акс садо» рукни остида эълон қилинди.

Биз иложи борича «Оқшом»нинг яхши кунлари ҳақида, эл назарига тушган яхши мақолалар хусусида ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик. Албатта юқоридаги сатрларни ўқиган ўқувчида: «Нима «Оқшом»нинг ўтган кунлари фақат яхшиликлар билан ўтганми, жамоада кўнгилсизликлар, дилхираликлар, ўзаро келишмовчиликлар, иш юзасидан тортишувлар бўлмаганми, ходимларнинг раҳбарлар билан муносабати бир текис, силлиқ кечганми? деган табиий саволлар пайдо бўлиши аниқ. Маълумки ҳаётда яхшилик бор экан, ёмонлик у билан ёнма-ён юриши тушунарли ҳол. Шундай экан, «Оқшом»нинг қуёшли кунлари билан бирга, булутли тунлари ҳам бўлган. Яхшилик қалбимизга нур олиб кирса, ёмонликдан дилимиз озор чеккан. Лекин ҳамиша ёмонлик ўткинчи, яхшилик эса боқий деган нақлга амал қилиб яшаганмиз. Шу боис нурсиз кунларни унутиб, нурли кунларни кўпроқ эслашимизга тўғри келди. Шу ўринда яна бир ривоят келтиришни лозим топдик.

Нўширавон замонида икки киши бўлиб, бу икки киши Нўширавон ташкил қилган ўтиришга таклиф қилиндилар. Улардан бири баланд овоз билан қуйидаги назмни ўқиди:

**Яхшилигим қайтсин десанг сен,**
**Яхшилик қил, яхши ўй ўйла.**

Иккинчиси эса қуйидаги байтни ўқиди:

**Ёмонлигим қайтмасин десанг,**
**Ёмон бўлма, ёмон ўй қилма.**

Бу байтларни эшитган Нўширавон хушҳол бўлди ва унга жуда ёқиб қолиб, биринчи байтни ўқиган кишига минг дирҳам беришни, иккинчисига эса юз дирҳам беришни буюрди. Турганлардан бири Нўширавондан:

— Эй улуғ амир, улар байтлари битта маънога эга эди. Нима учун уларга ҳар хил туҳфа бердинг? — деб сўради.

Нўширавон унга шундай жавоб берди:

— Сўзлашда тафовут каттадир: биринчисининг сўзи бошдан оёқ яхшилик ҳақида бўлди, иккинчиси эса фақат ёмонлик ҳақида эслатди.

Аслида ҳам яхши сўзу, инсонларга яхшилик қилишдан яхшиси борми, азизлар!

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

# Машҳур кишилар ҳаётидан

◆ Қадимги Эрон подшоси Кир ўз аскарларининг 75 фоизининг номини билган.

◆ Александр Македонский (Зулқарнайн) эса қўшинининг 90 фоизини юздан таниган.

◆ Буюк аждодимиз, машҳур энциклопедик олим Абу Райҳон Беруний денгиз сувининг тўлқинининг қирғоққа кўп миқдорда оқиб келиши ҳамда тўлқиннинг қирғоқдан аста-секин узоқлашувига қараб, турган ер оролми, ярим оролми аниқ билган.

◆ Буюк давлат арбоби, фалакиёт фанининг отаси бўлмиш Мирзо Улуғбекнинг 2000 йилгача бўлган даврнинг қуёш ва ой тутилиши учун тузган жадвали, ҳозирги компьютер давридаги жадвалдан атиги бир неча соат фарқ қилиб, ҳанузгача жаҳон олимларини лол қолдирмоқда.

◆ Жаҳон тиббиёт фанининг улуғи бўлмиш олимимиз Абу Али ибн Синонинг бир сўзларини эсласак ёмон бўлмайди. «Беморга аниқ, тўғри ташхис қўйиб, меҳр билан даволанса, у албатта соғаяди, лекин қилинган меҳнат эвазига ҳақ талаб қилиш шифокор учун мос эмас» деган эди.

◆ Шеърият соҳасининг буюк зукко олими Мир Алишер Навоий: «Менга бир ҳарф ўргатган одам олдида умр бўйи қарздорман» — деган эди.

◆ Қадимги юнон файласуф олими Софокл ҳаддан ташқари ҳозиржавоб бўлган. Шунинг учун уни мот қилиб, уялтириш мақсадида у ўртоқлари билан суҳбатлашиб турганида бир қитмир унга қараб: «Нима учун саҳар пайтида товуқ бир оёғини кўтаради?» деган саволни беради. Шунда Софокл: «Агар икки оёғини кўтарса товуқ йиқиладику», деб жавоб берган.

◆ Физика фани соҳасида Нобель мукофоти совриндори, буюк олим Пётр Капица (Россиянинг машҳур олими Владимир Капицанинг отаси) аспирантлардан имтиҳон олиш пайтида аспирант қийналса, у аспирантга қараб: «Сиз кечқурун 17.00 га қадар шу саволга барча манбалардан фойдаланиб, тайёрланиб кейин келасиз», деган. Кечқурун эса Пётр Капица шу саволга тааллуқли бошқа бир кичик савол бериб, аспирантнинг билимини аниқ белгилаган.

*Спорт*

## ЧАВАНДОЗЛАР ОТ ЙЎРТТИРДИ

**Тошкент ипподромида Ўзбекистон от спорти федерацияси ва "Тошкент отчопари" томонидан зотдор отлар иштирокида қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар ўзларининг синалган отларида ғалаба учун кураш олиб бориб, турли-туман совринларни қўлга киритдилар. Жумладан энг нуфузли совринлардан бири — 2 ёшли ярим тоза қонли отлар иштирокида Катта мукофот учун баҳсда 1400 метр масофани Амазонка лақабли отида биринчи бўлиб босиб ўтган А.Александров ғолиб чиқди.

Гельдейц совринини эса Ўсар лақабли отда Ю.Бабич қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Очиқ мукофотларга эса 2 ёшгача бўлган олий зотли отлар баҳсида Калигула лақабли отида 1400 метрлик масофада ғолиб чиққан Д.Пўлатов ҳамда 2 ёшли тоза қонли отлар баҳсида шу масофада Жасмин лақабли отида энг яхши натижа кўрсатган З.Городничевлар эга бўлишди.

3 ёшли тоза қонли отларнинг 2000 метрга баҳсида Х.Юсупов Брилиант лақабли отида ғолиб чиққан ҳолда Анилин совринининг соҳиби бўлди.

110, 120, 130 сантиметрлик бешта тўсиқдан ўтиш бўйича конкур баҳсларида Аждар лақабли от соҳиби Д.Ғофуровнинг қўли баланд келди.

## БИРИНЧИЛИК ОЛДИДАН ЖИДДИЙ ИМТИҲОН

**Юнон-рум кураши бўйича мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси Россиянинг Можайск шаҳрида ўтказилган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўсмирлари халқаро спорт ўйинларида муваффақиятли иштирок этишди.**

Чунончи, 50, 55, 60, 66, 74, 84, 96, 120 килограммгача бўлган баҳсларда иқтидорли ўсмирларимиз иштирок этиб, ғалаба учун кураш олиб боришди.

Полвонларимиз яхши натижалар кўрсатишди. Хусусан, 50 килограммгача вазнда Шерзод Шодмонов барча рақибларини бирин-кетин енгган ҳолда олтин нишон соҳиби бўлди.

74 килограммгача вазнда эса Рустам Синдоровга бронза медали насиб этди.

Эндиликда С.Ходжаев, Ш.Шодмонов, Ж.Мўминов ва Р.Синдоров каби иқтидорли ўсмирларимиз Литвада бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилиги турнирида иштирок этишади.

**Бахтиёр КАРИМОВ**

Шайхонтоҳур туманидаги Саъдулла Исматов номли 141-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Салимова Саида Надирхановна номига берилган 9-синфни тугатганлиги ҳақидаги VZI № 382022 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Алоқа коллежи томонидан 2003 йил 10 майда берилган Ахунджанова Мунира Мамурджановна номига берилган рўйхат рақами № 20648 бўлган, Т-010484 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## "ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ" ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Хабар тартиб рақами 09**

Умумий мажлис тури: Акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси

Умумий мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 24 июнь.

Умумуий мажлис ўтказилган манзил: Жамият маъмурияти биноси

Умумий мажлисда қатнашганлар: 379753 овозга эга 24 та акциядор.

Кворум даражаси: 69,05%

Умумий мажлиснинг кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

1. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи 379753 овоз билан тасдиқланди.
2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосаси 379753 овоз билан тасдиқланди.
3. 2004 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 379753 овоз билан тасдиқланди.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи 379753 овоз билан тасдиқланди.
5. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балански 379753 овоз билан тасдиқланди.
6. Жамиятнинг 2005 йил учун иш режаси (бизнес-режа) тасдиқланмади.
7. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 379753 овоз билан тасдиқланди.
8. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб "Назар Аудит" МЧЖ АК 379753 овоз билан тасдиқланди ва аудиторга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори 200.000 сўм деб белгиланди.
9. "Эски-Жўва" деҳқон бозори тасарруфидаги "Кўкча-Оқтепа" бозор шохобчасининг Фарҳод деҳқон бозори" ОАЖ таркибига бириктирилиши 379753 овоз билан маъқулланди.
10. Жамият Низомига киритилган ўзгартиришлар 379753 овоз билан маъқулланди.

**Хабар тартиб рақами 08**

1. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб дивидендларни 60 кундан кечикмасдан тўлаш.

**Хабар тартиб рақами 05**

— эгаси ёзилган оддий акциялар;

— акциядорлар умумий мажлиси 24.06.05 йилдан 24.08.05 йилгача.

— Жамиятнинг 2004 йил молиявий хўжалик ҳисоботи якуни бўйича дивидендлар миқдори 16 сўм 43 тийин деб 379575 овоз билан тасдиқланди.

**Хабар тартиб рақами 10**

1. Жамият бошқаруви раиси тасдиқланмади.
2. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркиби 379753 овоз билан маъқулланди:

— Иноятов А.М., Илҳомов Р.А., Ҳакимов Р., Асилов Ю., Шокиров Д.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар МаҳкамасиНоширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2005 йил 22 июндаги 2-сон баёнининг 5-бандига биноан: Ўзбекистон Республикасининг "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни 15-моддаси, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуни 23-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг "Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом"нинг V бўлим 25-банди, VI бўлим 28-бандига мувофиқ, "РАСТР" қўшма корхонаси нашриёти 00039-, "Университет" нашриёти 00053-, "Имом ал-Бухорий жамғармаси" нашриётининг 00067-сон лицензияларининг амал қилиши тугатилган, деб ҳисоблансин.**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз: 133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

*Мунажжим башорати*

## ҲАР ЖИҲАТДАН ЁҚИМЛИ КУН

**6 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА**

**Бугун Ой сайёраси Қисқичбақа буржида бўлади. Мунажжимларнинг янги ой чиқиши муносабати билан таъкидлашларича, мазкур чоршанбани қандай ўтказсангиз,бутун ой шундай ўтаркан. Кимки олдин ўтказган нохуш кунларини эслаб, жаҳл отига минса, дейишади мунажжимлар, у янги ойда ҳам ўзига ўшандай нохушликларни режалаштирган бўлади.Шунинг учун ҳам Тошкент вақти билан 17.05 дан бошлаб фақат эзгуликлар, яхши нарсалар ҳақида ўйлаш керак.**

Бахтли ва бадавлат бўлишни истайсизми – ўзингизни бахтиёр ва бадавлат ҳис этинг. Лекин сизга шу бахт ва бойликни ким ҳадя этиши ҳақида ўйламанг. Касалдан тузалишни истайсизми – шифокорлар ҳақида ўйламай, ўзингизни соғлом ва навқирон ҳолатда тасаввур этинг. Шунингдек, бугунги кунни ўтган ойдаги фаолиятингиз якунларини ҳисоб-китоб қилиш, қарзларни узиш, хайр-садақалар тарқатиш, янги режаларни амалга оширишга киришиш билан ўтказиш манфаатли бўлади.

Мунажжим С. Ильичёв бу чоршанбани ҳалол-пок инсонларни юксакликка кўтарувчи Мазда нарвони тикланадиган кун, илоҳий кулгу ва илоҳий хурсандчилик куни деб ҳисоблайди. Лекин бу – бўлар-бўлмасга "ҳа-ҳа, ҳи-ҳи" қилиб, ўзингизни хурсанд кўрсатинг, дегани эмас. Заҳарханда кулгу, ноўрин ҳазил-мутойиба ҳам бугун ман этилади. Кулги самимий, аския ва латифалар беозор ва завқ бағишловчи бўлиши керак.

Кечқурун келгуси фаолиятингизни режалаштириш,бирон-бир қизиқарли ишни ўйлаб топиш, ижобий фикрлашни ўзлаштириш ва эзгуликлар ҳақида мушоҳада юритиш зарур. Бугун соат 17 дан кейин нималарни ўйлаб қўйсангиз – улар амалда рўёбга чиқиши, айтган сўзларингиз қудратли кучга эга бўлишини ёдингизда тутинг ва ҳушёрликка интилинг.

Орқангиздан кучли шамол урилаётганини ҳис этсангиз,тирноғингиз синиб қолса, сувни тўкиб юборсангиз – булар ўзингиз ҳақингиздаги ғийбат-бўҳтонлар ва миш-мишларга ишора.

Турли товушлар ва мусиқа овозини эшитган тушларингиз башоратли бўлади. Куннинг энг яхши аломати – уйғонишингиз билан акса уришингиздир.

Ошқозон-ичак йўллари бугун заифлашган ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳазми оғир ва ёғлиқ таомлардан ўзингизни тортинг.

Кийим-кечаклардан ола-була,ёрқин ва ялтироқ, сариқ ва олтинрангли либосларга устуворлик берганингиз маъқул. Кулранг, қора ва жигарранг кийимларингизни нарироқ суриб қўйинг.

**БУГУН:**

- узоқ муддатга мўлжалланган янги ва муҳим ишларни бошлаб юбориш;
- турли ҳужжатларни расмийлаштириш;
- хилма-хил муаммоларни ҳал этишда ички туйғуларингизга қулоқ тутиш;
- қатъиятлилик ва узоқни кўра билиш қобилиятингизни намоён этиш;
- моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга шундай ёрдамни кўрсатиш тавсия этилади.

Сизга кўпроқ ўз таъсирини ўтказадиган кишиларга сирингизни очиб бериш тақиқланади.

**Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 13-турида шаҳримизнинг бош жамоаси «Пахтакор» ўз майдонида Наманганнинг «Навбаҳор» клуби аъзоларини қабул қилди.**

*Футбол*

## АЗАЛИЙ РАҚИБЛАР БЕЛЛАШДИ

Шуни таъкидлаш жоизки, турнинг марказий учрашуви ҳисобланган мазкур баҳс мутахассислару мухлисларнинг эътирофича энг қизиқарли учрашув бўлиши лозим эди. Сабаби ҳар сафар «Пахтакор» ҳам, «Навбаҳор» ҳам ўзаро курашда майдонга фақат ғалаба қозониш иштиёқида тушишар, баҳс ҳаяжонли дақиқаларга бой кечарди. Бу сафар эса биринчи бўлим тенг курашлар остида ўтди. Иккинчи бўлимда эса «Пахтакор» футболчиларининг ўйинида янада жонланиш сезилди. Майдон эгалари томонидан уюштирилаётган ҳужумлар шиддатли тус ола бошлади. Учрашувнинг 62-дақиқасида Гейнрих, 84-дақиқасида Кошелев томонидан тўплар киритилиши беллашувнинг 2:0 ҳисобида пахтакорчиларнинг ғалабаси билан якунланишини таъминлади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Бухоро» — 2:0, «Сўғдиёна» — «Тўпаланг» — 1:0, «Шўртан» — «Машъал» — 0:5, «Локомотив» — «Насаф» — 1:2, «Самарқанд— Динамо» — «Нефтчи» — 2:1, «Трактор» — «Қизилқум» —2:1.

Шундай қилиб мамлакат XIV миллий чемпионатининг биринчи даврасы якунланди. Иккинчи давра мусобақаларига августда старт берилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-609. 1 3 4 5 6